

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида комплекс текшириш ўтказишдан олдин қонун бузилиш ҳолатларини аниқлашга қаратилган профилактика ишларини ташкил этиш ва камчиликларни бартараф этиш имкониятини бериш тўғрисида

М Е Х А Н И З М

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу механизм Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4725-сон Фармони, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 8-августдаги “Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-1503-сон, 1998 йил 19 ноябрдаги “Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида”ги ПФ-2114-сон, 2005 йил 14 июндаги “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3619-сон, 2005 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3665-сон фармонлари ҳамда Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг жорий йил 2 июндаги 1-сон мажлис баёни асосида ишлаб чиқилиб, департамент томонидан тадбиркорлик субъектларига текшириш давомида аниқланган қоидабузарликлар ва камчиликларни бартараф этиш имкониятини бериш тартибини белгилайди.

2. Ушбу механизм Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти томонидан режали текшириш ўтказилиши белгиланган тадбиркорлик субъектларига текшириш давомида аниқланган қоидабузарликлар ва камчиликларни бартараф этиш имкониятини бериш ишларини амалга оширишни тартибга солади.

II. ТЕКШИРИШ ДАВРИГАЧА ҚОИДАБУЗАРЛИКЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ИШЛАР

3. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти томонидан текшириш ўтказилиши белгиланган тадбиркорлик субъектларига текшириш предметиға оид қоидабузарликлар ва камчиликларни бартараф этиш имкониятини бериш ишлари текширишгача ҳамда текшириш даврида амалга оширилади.

4. Текширишгача бўлган даврда тадбиркорлик субъектлари нималарға аҳамият бериши лозим ва ишларни қандай қилиб ташкил этади:

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаментининг веб-сайтиға қуйидаги маълумотлар жойлаштирилади:

- департамент томонидан тадбиркорлик субъектларида ўтказиладиган текширишлар режа-жадвали;

- автотранспорт воситасини ишға чиқиш олдидан техник ҳолатини текшириш ва ҳайдовчиларни кунлик тиббий кўриқдан ўтишини, меҳнат ва дам олиш тартибига амал қилинишини ҳамда ўз вақтида ҳайдовчиларнинг мажбурий тиббий кўриқдан ўтишларини таъминлаш ишлари;

- шаҳар йўловчилар транспортида ташувчи йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги юзасидан тегишли ҳужжатларни ташкил қилиш;

- шаҳар йўловчилар транспортида ташувчи жамоат транспортини бошқаришға ҳайдовчилик гувоҳномасида тегишли тоифаси бўйича руҳсат этилган, 21 ёшға тўлган, соғломлигини тасдиқловчи маълумотномасига эға, тиббий кўриқдан ўтган ва камида уч йиллик ҳайдовчи стажига эға бўлган малакали ҳайдовчини меҳнатға жалб этилишиға риоя этиш;

- шаҳар йўловчилар транспортида ташувчи - корхона раҳбари, раҳбар ўринбосари ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш учун масъул бўлган ходимларнинг тегишли лавозимға малакавий мувофиқлигини тасдиқловчи аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги ҳужжат бўлиши.

- шаҳар йўловчилар транспортида ташувчи йўналишли ва йўналишсиз таксиларни ташқи ва ички маълумотлар билан жиҳозланиши ҳақида маълумотлар;

- Тошкент шаҳрида йўловчи транспорти соҳасида ташувчиларнинг йўловчилар ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига зарар етказганлик учун қонунда белгиланган ўз фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича мажбурияти бажарилиши ҳақида маълумот ташкил қилинганлиги (қонун кучга кирганидан сўнг).

- шаҳар йўловчилар транспортида ташувчи томонидан кўп учрайдиган қоидабузарликлар ҳамда уларни бартараф этиш йўллари;

- шаҳар йўловчилар транспортида ташувчининг қоидабузарликлари учун қонунчиликда белгиланган жавобгарлик.

5.Текшириш бошланадиган кундан бир ой олдин текшириш ўтказиладиган тадбиркорлик субъектига текшириш ўтказилиши ва текшириш предмети кўрсатилган ҳолда ёзма ёки электрон кўринишда алоқа хати юборилади.

Алоқа хатига амалдаги қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, текшириш даврида кўриб чиқиладиган масалалар ҳамда текшириш даврида кўп учрайдиган қоидабузарликлар ва камчиликлар, уларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар илова қилинади.

III. ТЕКШИРИШ ДАВРИДА ҚОИДАБУЗАРЛИКЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ИМКОНИАТЛАРИ

6.Тадбиркорлик субъектларининг текширишларга оид муурожаатлари юзасидан департамент қуйидаги ишларни амалга оширади:

- тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этилган маълумотлар таҳлили натижасига кўра аниқланган қоидабузарликлар ва камчиликларни бартараф этиш бўйича таклиф, тавсиялар бериш ва уларни амалга оширишда кўмаклашиш;

- текшириш предметига оид масалаларга масъул бўлган шахслар ва мутахассислар иштирокида мунтазам равишда учрашув-семинарлар ўтказиш.

7. Текшириш даврида шаҳар йўловчи транспортга боғлиқ масалалари юзасидан аниқланган қоидабузарликлар ва камчиликларни бартараф этиш ишларини ташкил этиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

-текшириш даврида бартараф этиш мумкин бўлган қоидабузарликлар ва камчиликлар аниқланганда, уларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар берилади ҳамда методологик ёрдам кўрсатилади;

-қоидабузарликлар ва камчиликларни текшириш даврида тугатиш имконияти бўлмай маълум муддат талаб қилинса, қоидабузарликлар ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқиш бўйича таклифлар бериш;

-тадбиркорлик субъектларида текшириш якуни бўйича текшириш предметига оид масалаларга масъул бўлган шахслар ва мутахассислар иштирокида мажлислар залида муҳокамасини ўтказиш ва аниқланган қоидабузарликлар ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар бериш.

8.Текшириш далолатномасида текшириш даврида аниқланган қоидабузарликлар ва камчиликларни бартараф этилганлигини ҳамда берилган тавсияларни расмийлаштириш.

IV.ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

9. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида режали текширишни ўтказиш муддати 2015 йилнинг 1 июлидан бошлаб 10 календарь кунидан ошмаслиги керак.

10. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаментининг мансабдор шахслари ушбу механизмнинг талаблари бажарилиши учун шахсан жавобгардирлар.